

**Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш
аентлиги
 билан
Чехия стандартлар, метрология ва синов бошқармаси
 ўртасида
ўзаро етказиб берилаётган маҳсулотларнинг мувофиқлигини баҳолаш
 соҳасида
 ҳамкорлик түғрисида
 БИТИМ**

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш аентлиги билан Чехия стандартлар, метрология ва синовлар бошқармаси бундан кейин “Томонлар” деб аталувчиликар,

1996 йил 21 июнда имзоланган Ўзбекистон Республикаси, бир томондан ва Европа Ҳамжамиятлари ва уларга аъзо – давлатлар, иккинчи томондан, ўртасида шерикчиликни таъсис этувчи Шерикчилик ва Ҳамкорлик түғрисидаги Битим қоидаларига асосланиб;

Чехия Республикаси Европа Иттифоқига аъзо мамлакат бўлганинги эътиборга олиб,

Иккала Томоннинг иқтисодий манфаатларидан келиб чиқиб,

Истеъмолчилар манфаати ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва инсон ҳаёти, соғлиги, атроф мухитни муҳофаза қилиш учун олиб кирилаётган маҳсулотни сифати ва хавфсизлик кафолотларини таъминлашда ўзаро манфаатдорликни ҳисобга олиб,

Ўзбекистон Республикаси Жаҳон савдо ташкилотига (ЖСТ) қўшилишга тайёргарлик кўраётганлигини эътиборга олиб,

Ўзбекистон Республикаси ва Чехия Республикаси ўртасидаги ташқи савдони тараққий этишига кўмаклашиш мақсадида,

Стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва синов соҳаларида ишларни келишиб ўтказиш зарурлигини тан олиб,

қуйидагилар түғрисида келишиб олдилар:

1-модда

Томонларнинг ҳар бири Ушбу Битимни амалга ошириш борасида ўз давлатларини қонун хужжатларига амал қиласидар.

2-модда

Ушбу Битим бир Томоннинг давлатида ишлаб чиқариладиган ва иккинчи Томон давлат худудига олиб кириладиган, ўзаро етказиб бериладиган маҳсулотларга таалуқли.

3-модда

Томонлар давлатларининг амалдаги миллий қонунчилигига белгиланган ўз ваколатлари доирасида қуйидаги йўналишларда ҳамкорлик қиласидар:

- Европа Бирлашмаси қарорлари ва директива қоидаларида белгиланган техник хуқуқий мөъёрларни ўз давлатларининг норматив-хуқуқий ҳужжатларига жорий этиш тўғрисидаги маълумотлар билан алмашиш;
- Чехия Республикасининг мувофиқликни баҳолаш бўйича ваколатли идоралари ва Ўзбекистон Республикасининг сертификатлаштириш идоралари ва синов лабораториялари тўғрисидаги маълумотлар билан алмашиш;
- Томонлар давлатида амалда бўлган қонунчиликка асосан мувофиқликни баҳоловчи ҳужжат шунингдек синов натижаларини ўзаро тан олиш учун шароитлар таъминлаш мақсадида, мувофиқликни баҳолаш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг сертификатлаштириш идоралари ва синов лабораториялари ҳамда Чехия Республикасининг мувофиқликни баҳолаш бўйича ваколатли идоралари ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйишга кўмаклашиш;
- Мувофиқликни баҳолаш муаммоларига бағишлиланган семинар, симпозиумлар ўтказиш, ва эксперталарга учрашувлар уюштириш услубида фикр ва тажриба билан алмашиш;
- Ягона Европа Иттифоқи бозорига кириши тезлаштирилаётган маҳсулотлар мувофиқлигини баҳолашда Чехия Республикасининг ваколатли идораларидан фойдаланиш.

4-модда

Томонлар физикавий катталиклар эталонларини солиширишда ҳамкорлик қилишади ва миллий эталонларни стандартлаш бўйича тадқиқот натижалари билан алмашадилар.

5-модда

Томонлар халқаро талабаларга асосланиб, физикавий катталик бирликларининг миллий эталонларини ўзаро тан олиш учун шароитлар яратади.

6-модда

Томонлар маълумотлар алмашиш йўли билан, бир томон давлатининг ҳудудида ишлаб чиқариладиган ёки қўлланиладиган ўлчаш воситалар турини тасдиқлаш натижаларини ва ўрнатилган талаблар бўйича ўлчаш воситаларни қиёслаш ҳамда калибрлаш натижаларини ўзаро тан олиш масалаларида ҳамкорлик қиласидилар.

7-модда

Томонлар мазкур Битим доирасида олиб борилган ишлар тўғрисида олинаётган ҳужжат ва маълумотни маҳфийлигини ва ёзма равишдаги талабига кўра уни манфаатдор Томонга берилишини таъминлашади.

8-модда

Ушбу Битим қоидалари, бир тарафдан Европа Бирлашмалари ва уларга аъзо бўлган давлатлар ҳамда иккинчи тарафдан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги халқаро шартномалардан, шунингдек тарафлар аъзо бўлган бошқа халқаро шартномалардан келиб чиқадиган тарафларни мажбуриятларига дахлдор эмас. Чехия Республикаси Европа Иттифоқига аъзо бўлганлиги учун ушбу Битим қоидалари уларни мажбуриятларига қай йўсинда таъсир этадиган ёки ўзгартирадигандек ишлатилиши ёки изоҳланиши мумкин эмас.

9-модда

Ушбу Битим қоидалари қўлланиши ёки шархланиши сабабли юзага келувчи ҳар хил мунозарали масалалар, маслаҳат ва музокоралар олиб бориш орқали тарафлар томонидан ҳал этилади.

10-модда

Томонларнинг ўзаро розиликлари билан, ушбу Битимга тегишли баённомалар билан расмийлаштириладиган, Битимнинг ажралмас қисми бўлган ва ушбу баённомаларда кўзда тутилган тартибда кучга кирадиган қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

11-модда

Ушбу Битим имзоланган кундан кучга киради ва Томонлардан бири бошқа Томонни Битимни амал қилишини тўхтатиш нияти тўғрисида олти (6) ой илгари ёзма равишда хабар бермагунга қадар амал қиласди.

2009 йил «_____» _____ да, _____ шахрида икки асл нусҳада тузилган, ҳар бир нусҳаси, ўзбек, чех ва рус тилларда бунда ҳар бир матн бир хил кучга эга. Битим матнини изоҳлашда келишмовчиликлар юзага келганда рус тилидаги матн асосий мантдир.

**ЎЗБЕКИСТОН
СТАНДАРТЛАШТИРИШ,
МЕТРОЛОГИЯ ВА
СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ
АГЕНТЛИГИ
НОМИДАН**

**ЧЕХИЯ СТАНДАРТЛАР,
МЕТРОЛОГИЯ ВА СИНОВ
БОШҚАРМАСИ
НОМИДАН**